
39-умумий ўрта таълим мактабидаги синф хоналарининг мўтадил ҳарорати таъминланди.

“Facebook” ижтимоий тармоғидаги “Қўқонжоним” канали орқали Данғара тумани Навбахор МФЙда жойлашган 39-умумий ўрта таълим мактабидаги синф хоналарининг ҳарорати -12-14 градуслиги тўғрисидаги мурожаат тегишли ташкилот раҳбарлари томонидан ўрганилиб чиқилди.

Ўрганишлар натижасида синф хоналарини иситиш тизимларидаги мавжуд муаммолар бартараф этилиб, барча синф хоналарнинг мўтадил ҳарорати таъминланди.

2023-12-23 16:04:20